2016 ЙИЛ 1 ФЕВРАЛЬ, ДУШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 22 (13.085)

Баҳоси эркин нархда

"ЎЗБЕКИСТОНДА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШИШ УЧУН БАРЧА ШАРТ-ШАРОИТ ЯРАТИЛГАН"

Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси хорижий давлатларнинг ижтимоий-сиёсий ҳамда эксперт-таҳлил доиралари вакиллари ўртасида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Қуйида мазкур муҳим дастуруламал ҳужжатга таниқли мутахассис ва экспертлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

Европа Энергетика хартияси бош котиби Урбан Руснак Президент Ислом Каримовнинг маърузаси билан яқиндан танишиб чиққанини маълум қилар экан, ўзбек халқини 2015 йилда қўлга киритган ютуқларини алоҳида эътироф этди. У жаҳон бозорида беқарор вазият ҳамон давом этаётганига қарамасдан, республикада ижтимоий-иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларига эришилгани мамлакатда ҳаётга татбиқ қилинаётган изчил ислоҳотлар ҳамда тизимли ўзгаришлар тўғри йўналишда эканлигидан далолат беришини таъкидлади.

У.Руснак Ўзбекистонда ишбилармонлар учун ҳар томонлама қулай сармоявий муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларни ҳам ижобий баҳолади. Унинг айтишича, давлат мулкини хусусийлаштириш, хорижий капиталларни жалб этиш бўйича шароитлар яратиш, хусусий мулк ҳимоясини кафолатлаш борасидаги ўзига хос ёндашув мамлакатда ишбилармонлик муҳитини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Озиқ-овқат саноати ва салқин ичимликлар Европа ассоциацияси бош директори Мелла Фревен Ўзбекистонда изчил ривожланиб бораётган ва диверсификациялашган иқтисодиёт ўзининг юксак самараларини бераётганини билдирди. Унинг айтишича, дунёдаги ҳозирги мураккаб молиявий-иқтисодий шароитда ялпи ички маҳсулот ва саноат ишлаб чиқаришининг 8 фоиз ўсишга эришилгани алоҳида эътиборга сазовордир.

М.Фревеннинг фикрича, мустақил ривожланишнинг тарихан қисқа даврида республиканинг қишлоқ хўжалиги соҳасида барқарор тараққиётга эришиш учун зарур шароитлар яратилгани аҳолини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўла таъминлаш имконини берди.

Эксперт қайд этдики, Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш қувватларини яратиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар таҳсинга лойиқ. "2015 йил давомида бу борада эришилган натижалар юқоридаги фикрни тасдиқлайди", деди у.

Ўзбекистоннинг 2015 йилдаги макроиқтисодий кўрсаткичлари билан танишган **Лимбург Савдо-саноат палатаси халқаро департаменти директори Робин Дирикс** мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий соҳаларида ҳаётга тадбиқ этилаётган ислоҳотларга юксак баҳо берди.

Р.Дирикс юртимизда тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш йўлидаги пухта ўйланган сиёсат самаралари Жаҳон банкининг маърузасида ҳам ўз аксини топгани хусусида тўхталар экан, унда Ўзбекистон кейинги йилларда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида энг яхши натижаларга эришган дунёдаги ўнта давлат қаторидан жой олганини алоҳида қайд этди.

Ўз навбатида, **Немис тиллилар ҳамжамиятининг халқаро алоқалар департаменти бошлиғи Анна Куадфлиег** мамлакатимизда давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири — таълим тизимини такомиллаштириш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақидаги фикрларини билдирди. "Ўқув-тарбия ишларининг самарадорлиги, замонавий билимларга эга, интеллектуал салоҳияти юқори, жисмонан баркамол авлоднинг камолга етаётгани бу борада муносиб шароитлар яратилганига бевосита боғлиқдир, — деди у. — Шу нуқтаи назардан мамлакатда янги ўқув муассасаларини барпо этиш ва мавжудларини реконструкция қилиш, таълим тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар эътирофга лойиқдир. Мамлакатда ҳар йили ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизи миқдоридаги маблағ бу соҳага йўналтирилаётир. Ҳолбуки, жаҳон тажрибасида бу борадаги кўрсаткич 6-7 фоиздан ошмайди".

Бошқаришнинг илмий асосларини тадқиқ этиш билан шуғулланиб келаётган мутахассис, **Маъмурий фанлар халқаро институтининг стратегик лойиҳалар бўйича эксперти Стив Трупин** Президентимиз маърузаси билан яқиндан танишиб чиққанини айтди.

Эксперт 2015 йилда корпоратив бошқарув тизимидаги принцип ҳамда ёндашувлар тубдан ўзгартирилгани унинг ҳақиқий бозор хусусиятларига эга бўлишини таъминлаш нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этиши хусусида давлатимиз раҳбари айтган фикрларга тўла қўшилишини маълум қилди.

С. Трупиннинг таъкидлашича, мамлакатда корхоналарни корпоратив бошқариш бўйича илғор халқаро тажрибани ўрганиш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизациялаш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб этиш борасида бажарилаётган ишлар алоҳида эътиборга моликдир. "Шу ўринда Германияда жойлашган Европа менежмент ҳамда технологиялар мактабининг фаол иштирокида акциядорлик жамиятларининг раҳбар ходим-мутахассисларини тизимли асосда тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш, уларнинг замонавий корпоратив бошқарув усулларини эгаллашини таъминлаш мақсадида Ўзбекистонда Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази очилгани катта самара келтиришини қайд этишни истар эдим", дейди эксперт.

"Жаҳон" АА, Брюссель

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

БУ ЕРДА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ

Президентимиз раҳнамолигида иқтисодиётимизнинг асосий қон томири ҳисобланган темир йўл транспорти тизимини изчил ривожлантириш, янги йўллар барпо этиш, соҳани техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш, аҳолига хавфсиз ва кафолатли хизмат кўрсатиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Тармоқнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, замонавий технологиялар ва малакали мутахассислар билан таъминланаётгани соҳа тараққиётида муҳим омил бўлмоқда.

Яшнобод темир йўл касб-ҳунар коллежи соҳага ёш кадрларни етиштириб бераётган таълим масканларидан биридир.

Ўтган йили коллежни 531 йигит-қиз тамомлади. Битирувчиларнинг аксарияти "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти тизимидаги корхоналарга ишга жойлашди.

Коллеж ўқувчилари ишлаб чиқариш амалиётини ўташи учун Тошкент, Қўқон, Бухоро, Қўнғирот, Қарши, Термиз минтақавий темир йўл узеллари корхоналари ҳамда Тошкент механика заводи, "Ўзтемирйўлйўловчи", "Ўзтемирйўлконтейнер", "Йўлрефтранс" акциядорлик жамиятлари, "Йўл электр-механик устахоналари" масъулияти чекланган жамияти, "Қуюв механика заводи" шўъба корхоналари билан шартномалар имзоланган.

Коллеж битирувчилари "Тошкент метрополитени" давлат унитар корхонасида ҳам самарали фаолият юритиб келмоқда. Таълим ва амалиёт узвий олиб борилаётгани замонавий билим ва ишлаб чиқариш кўникмасига эга ёш мутахассислар сафининг кенгайишига хизмат қилмоқда. "Коллеж – корхона" тизими асосида ёшларнинг иш билан таъминланаётгани ҳам корхона, ҳам коллеж, ҳам ўқувчи учун фойдали бўлаётир.

– Метро бекатларида йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатиш менинг вазифам, – дейди Шаҳруза Жаматова. – Қарийб бир йилдан буён ишлаяпман. Меҳнатим туфайли ўз оиламга фойдам тегаётир. Ёшларга яратиб берилаётган имкониятлар учун Юртбошимиздан миннатдормиз.

Яшнобод темир йўл касб-ҳунар коллежига ҳар йили беш юздан ортиқ ўқувчи қабул қилинади. Бугунги кунда билим масканида саккиз йўналиш бўйича 1824 йигит-қиз таҳсил олмоқда. Жорий йилда коллежни тамомлайдиган йигит-қизлар февраль-апрель ойларида корхона ва ташкилотларда ўқув-ишлаб чиқариш амалиётида қатнашади.

Коллежда ўқув корпуси, лабораториялар, ишлаб чиқариш устахоналари, спорт зали, кутубхона, ошхона, тиббий бўлим мавжуд. Мультимедия, компьютер ва лингофон хоналари ишлаб турибди. Компьютер хоналаридаги электрон доска ва проекторлар дарс жараёнида ўқувчилар учун қулайлик яратади. Бу ерда ташкил этилган ахборот-ресурс маркази ёшларнинг билим ва касб-ҳунар сирларини пухта эгаллаши учун кенг имкониятлар яратмоқда.

– Таълим масканимизда замон талабларига тўла жавоб берадиган ёш кадрларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди ЎзА мухбирига коллеж директорининг ўринбосари Саҳадмурод Хуррамов. – Бугунги кунда замонавий транспорт воситалари тобора кўпаяётгани соҳада етук мутахассисларга талабни оширмоқда. Таълим соҳасида ижтимоий шериклиги ривожлантириш амалиётининг кенг татбиқ этилаётгани таълим-тарбия жараёнидаги ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Коллежда ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун кўплаб фан ва спорт тўгараклари ташкил этилган. Илғор педагогик тажрибаларни амалиётга кенг жорий этиш, ўқувчиларни янги адабиётлар билан мунтазам таъминлаш борасидаги ишлар яхши йўлга қўйилган.

Ўқувчи махсус фанлардан мураккаб ҳодисаларни фақат билиш эмас, балки самарали қўллай олиши, мустақил фикрлаши, ўз қобилиятини намоён этиши учун тинимсиз изланиши лозим. Коллеж ёшлари мамлакат миқёсида ўтказиладиган "Касбим – фахрим" танловида муваффақиятли қатнашиб келмоқда. Жумладан, 2012 йили ўтказилган танловнинг мамлакат босқичида коллеж вакиллари ғолибликни қўлга киритган.

Билим масканида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида "Камолот" ЁИҲ ташаббуси билан ёшлар ўртасида қатор тадбирлар, учрашувлар мунтазам ўтказилади. Турли интеллектуал ўйинлар ўқувчиларнинг ҳуқуқий билими ва маданиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Нурилло НАСРИЕВ

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бухорода вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси ҳамда "Олима" уюшмаси ҳамкорлигида хотин-қизларнинг ижтимоий мавқеини янада мустаҳкамлаш, фаоллигини ошириш, мамлакат интеллектуал салоҳиятини юксалтиришда олима аёлларнинг иштирокига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги Челак пахта тозалаш корхонаси қошида ташкил этилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва ҳисоб-китоб ишлари бўйича мониторинг марказида республика ўқув семинари ўтказилди. Ушбу анжуманда бугунги кун талабидан келиб чиқиб фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, глобал аҳамият касб этаётган озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини янада оширишда замонавий инновацион ғоялардан фойдаланиш юзасидан фикр алмашилди.

● Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғирот туманида одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш масаласига бағишланган тадбир ўтказилди.

● Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирда 2015 йилда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг соғлиғи, таълим-тарбияси, ижтимоий муҳофазаси бўйича амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил қилинди, жорий йилдаги устувор вазифалар белгилаб олинди.

ЖАҲОНДА

● Хитойнинг Dong Hai Jiv 101 кемаси бундан бир йил аввал сирли равишда йўқолган Малайзия ҳаво йўлларига қарашли самолётни 120 минг квадрат километр ҳудудда излаш билан шуғулланаётган учта Австралия кемаси сафига қўшилган ҳолда қидирув ишларини бошлади.

● Голландиянинг Амстердам шаҳрида компьютер ўйинлари ихлосмандлари бўлмиш геймерлар учун мўлжалланган жаҳондаги дастлабки меҳмонхона очилди. Маълумотларга қараганда, меҳмонхонанинг 36 та хонасининг ҳар бирида геймерлар компьютер ўйинлари тўпламидан ва зарур шароитлардан фойдаланишлари мумкин.

● АҚШнинг "Форбес" нашрида жаҳондаги энг бадавлат эллик кишининг исми-шарифи эълон қилинди. Таъкидлаш жоизки, уларга тегишли бўлган жами бойлик 1,46 триллион АҚШ долларига тенг. Рейтингнинг энг юқори поғонасини Microsoft компаниясининг асосчиси Билл Гейтс 87,4 миллиард АҚШ доллари билан эгаллаб турибди. Inditex компанияси асосчиси 79 ёшли Омансио Ортега 66,8 миллиард АҚШ долларилик бойлик билан иккинчи, дунёда энг таниқли инвесторлардан Уоррен Баффет эса 60,7 миллиард АҚШ доллари билан учинчи ўринни банд этишмоқда.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи У.Абдуллаев Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони соҳа ривожига янада кенг йўл очиб берганини таъкидлади.

Мулоқотда Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий-норматив ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтириш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш бўйича киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни амалиётда қўллаш масалалари ҳақида сўз борди. Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, хусусий сектор вакилларининг билим ва масъулиятини ошириш зарурлиги қайд этилди. Тадбиркорларнинг "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматларидан нечоғли самарали фойдаланаётгани муҳокама қилинди.

Йиғилишда мутахассислар кичик бизнес субъектлари ва тадбиркорларга солиқ соҳасида яратилган имтиёз ва преференциялар, статистик ҳисоботларни топшириштаги қулайликлар, соҳадаги янгиликлар бўйича маълумот берди.

А.ҚИЁСОВА

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган партия ташкилотлари ҳамда депутатлар олдидаги устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари С.Отамуродов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар халқимиз фаровонлигини оширишда, мамлакатимиз тараққиётида муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Йиғилишда партиянинг 2016 йилги режалари кўриб чиқилди. Аёллар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, бу борада жамоатчилик ва депутатлик назоратини кучайтириш, ёш авлодни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш бўйича партия ташкилотлари ва депутатлар олдида турган муҳим вазифалар белгилаб олинди.

(ЎзА)

Анжуманлар

ЯНГИ ЙЎЛЛАР — ИҚТИСОДИЁТ ЮКСАЛИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Миллий матбуот марказида "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг 2015 йилдаги ижтимоий-иқтисодий фаолияти якунлари ва истиқболдаги режаларига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Анжуманда "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг ўринбосари Р.Икромов ва жамиятнинг бошқа бир қатор мутахассислари ўтган йилда темир йўл тизимида олиб борилган ишлар ҳамда 2016 йилда қилинадиган ишлар юзасидан журналистларга батафсил маълумот бериб ўтди.

Тадбирда таъкидланганидек, истиқлол йилларида бошқа соҳалар қатори темир йўл тизимида ҳам кенг кўламли ишлар олиб борилди. Сўнгги ўн беш йил давомида мамлакатимиз темирйўлчиларининг кўрсатган жасорати эвазига 1200 километрдан зиёд янги темир йўл фойдаланишга топширилди. 3800 километрлик темир йўл модернизация қилиниб, қайта ишга туширилди. 1100 километр темир йўл магистраллари электрлаштирилди. Тизимда қилинган ана шундай кенг кўламли ишлар натижасида бугунги кунга келиб иқтисодиётимиз "қон томири" деб аталувчи темир йўлларнинг умумий узунлиги 6500 километрга етганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

2015 йилда "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти томонидан асосий эътибор ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни жадаллаштиришга йўналтирилган фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш, акциядорлик жамиятининг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ва сифат кўрсаткичларини яхшилашга қаратилди.

"Ангрен-Поп" янги электрлаштирилган темир йўл линияси қурилиши давом этмоқда. Мароқанд-Қарши темир йўл участкасида электрлаштириш ишлари тўлиқ тугатилиб, "Afrosiyob" юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар ҳаракати йўлга қўйилишига эришилди. Темир йўл станцияларида 67,7 миллион тонна юк, 20,7 миллион йўловчи ўз манзилига талофатсиз ва намунали етказилди. Шунингдек, 347,7 миллион АҚШ доллари миқдорида экспорт хизматлари кўрсатилиб, жамиятнинг саноат корхоналари томонидан 388,2 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилганлиги йиғилишда айтиб ўтилди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2015 йилда акциядорлик жамиятида 34,5 миллиард сўмлик 24 та лойиҳа режалаштирилган бўлиб, ушбу лойиҳалар бўйича 37,2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Янги юк ва йўловчи вагонлари қуриш, ҳаракатдаги таркибни таъмирлаш, модернизация қилиш, қайта тиклаш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Инвестиция дастурига мувофиқ 2015 йилда "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятида молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан 17 та лойиҳа бўйича жами 755,16 миллион АҚШ доллари миқдоридаги капитал маблағлар ўзлаштирилган.

Матбуот анжуманида соҳада амалга оширилаётган йирик лойиҳалардан бири Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўл линияси ҳақида ҳам маълумот берилди. Умумий узунлиги 123,1 километрни ташкил этувчи мазкур лойиҳа 19 километрлик темир йўл туннелини ҳам ўз ичига олган. Бугунги кунга қадар лойиҳанинг туннелдан ташқари 104 километрида барча қурилиш, электрлаштириш ишлари якунига етказилди. Туннелнинг 18,4 километрида кавлаш ишлари бажарилди. Мазкур йирик лойиҳанинг буткул ишга туширилиши жорий йилга мўлжалланган. Шунингдек, Самарқанд-Бухоро йўналишида юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар учун темир йўл қуриш ва электрлаштириш, Навоий-Конимех-Мискен темир йўл линиясини қуриш лойиҳасининг дастлабки босқичидаги ишлар бошлаб юборилди.

2016 йилда инвестиция дастурига асосан "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти томонидан 28 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Хусусан, Ангрен-Поп темир йўлининг қурилиши ва ушбу лойиҳа доирасида амалга оширилаётган Қўқон-Андижон темир йўл ўчасткасини электрлаштиришни якунлаш, Самарқанд-Бухоро юқори тезликда ҳаракатланувчи йўловчи поездлар ҳаракатини йўлга қўйиш, юқори тезликда ҳаракатланувчи йўловчи электровозларни харид қилиш каби қатор лойиҳалар кўзда тутилган.

Абдуалим САЛИМОВ

ИШБИЛАРМОН АЁЛЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Аёл бугун нафақат она, опа-сингил, севимли ёр, у ишбилармон ва тадбиркор...

Юртимизда Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Йилдан йилга бу соҳа ривож топмоқда. Эндиликда эркаклар билан бир қаторда тадбиркор аёллар сафи ҳам кенгаяётир. Республикамизда тадбиркор аёлларни бирлаштирувчи, уларга ҳар томонлама кўмак берувчи "Тадбиркор аёл" ишбилармон аёллар ассоциацияси фаолият олиб бормоқда. Ассоциациянинг Тошкент шаҳар худудий бўлимида ҳам бугунги кунда юзлаб тадбиркор аёллар бирлашиб, жамият равнақига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Мирзо Улуғбек туманида бўлиб ўтган "Тадбиркор — йил аёли" кўрик-танловида 7 нафар иштирокчи қатнашди. "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани координатори Қимматхон Султонованинг маълумот беришича, бугунги кунда ҳудудда тадбиркор аёллар сафи кенгайиб бормоқда. Улар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, ҳунармандлик, касаначилик, тикувчилик, сартарошлик ва бошқа соҳаларда муносиб меҳнат қилмоқда. Маълумот учун айтиб ўтиш жоизки, туман тадбиркор аёллар етакчисининг ўзи ҳам тадбиркор аёллар сафида. У 2006 йилдан бери спорт буюмлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, ушбу соҳада айтишга арзигулик муваффақиятларга эришиб келмоқда. Хусусан, 2014 йилда бўлиб ўтган "Тадбиркор — йил аёли" кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичида мутлақ ғолиб бўлиб, юз миллион сўмлик имтиёзли кредит олиш учун сертификатни қўлга киритган.

— Ушбу кўрик-танловга тумандаги ишсиз, бандлиги таъминланмаган аёлларни ҳам жалб қилганмиз, — дейди туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилдора Обидова, — мақсад тадбиркор аёлларни бирлаштириш орқали соғлом турмуш тарзини шакллантириш. Ўйлайманки, ҳар бир хотин-қиз тадбирдан ўзига керакли маълумотларга эга бўлади, тадбиркорлик фаолиятида ўзини синамоқчи бўлган аёллар сафи янада кўпаяди.

— Фаолият турим асосан тикувчилик йўналиши, — дейди якка тартибдаги тадбиркор Гулшан Эшмуродова. — Бу иш билан 15 йилдан бери шуғулланаман, Ҳунармандлар уюшмасининг аъзосиман, 5 та шогирдим бор, биргаликда иш олиб борамиз.

— Аёллар сартарошиман, ўз ишимни жуда севаман, — дейди иштирокчи Арофат Жумаева. — "Зиё нур" ўқув марказида малакамни оширганман, яхши устозлар қўлида иш ўргандим, 5 йилдан бери шу соҳада ишлаб келмоқдаман.

— Юнусободдаги дизайн касб-ҳунар коллежини тамомладим, — дейди тадбир иштирокчиларидан яна бири Назокатхон Зокирова. — Тўқишга ёшлигимдан қизиқаман, 5 йилдан бери малакамни оширишга ҳаракат қилиб келмоқдаман, жиянларимга, қўшниларимга тўқишни ўргатдим, келгусида ўқув маркази очиш ниятим бор.

Ҳайъат аъзолари тадбиркор аёллар томонидан кўргазмага қўйилган тайёр маҳсулотлар намуналари билан танишгандан сўнг, иштирокчилар 4 та шарт бўйича ўзаро беллашдилар. Уларни ҳакамлар ҳайъати кузатиб, баҳолаб боришди. Кўрик-танлов шартларига кўра, энг кўп балл тўплаган якка тартибдаги тадбиркор Гулшан Эшмуродова биринчи ўринга лойиқ деб топилди ва танловнинг шаҳар босқичига йўлланмани қўлга киритди.

З.ШАРИФЖОНОВ
Козим Ўлмасов олган сурат

Миробод тумани ҳокимининг
ҚАРОРИ

МИРОБОД ТУМАНИДА ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ ВА ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИНИ 2016 ЙИЛ УЧУН БАНД ҚИЛИБ ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг 17-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1998 йил 5-6-сон 97-модда), Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 йил 7-сон 353-модда), Ўзбекистон Республикаси "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунининг 8-моддасига ("Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси", 2008 й. 4-сон, 190-модда) Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ-616-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил 15-сон 156-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 34-сон 333-модда, 2010 йил 13-сон 96-модда, 2011 йил 1-2-сон 4-модда, 2012 йил 44-сон 507-модда) мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2016 йилга мўлжалланган банд қилиниши керак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларни белгилаш бўйича туман махсус комиссиясининг 2015 йил 23 октябрдаги йиғилиш баённини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Миробод туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги 86 та ташкилотларда аҳолининг қуйидаги тоифалари учун жами 2587 та иш ўринлари банд қилиб қўйилсин:

ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун — болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалига эга бўлган иш ўринлари;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун — уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун — уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун — меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларини тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлиғининг аҳволи ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун-махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

жазони ўташ муассасаларидан бўшатилган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар учун — уларнинг касб бўйича тайёргарлик ҳисобга олинган ҳолдаги иш ўринлари, муайян касб-ҳунарга, малакага эга бўлмаган шахслар учун — махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

Одам савдосидан жабр кўрган шахслар учун — уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари.

2. Миробод туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2016 йил учун банд қилиб қўйиш лозим бўлган ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

3. Иш ўринларини банд қилувчи ташкилотлар раҳбарларига:

ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2015 йил якунланишидан 10 кун олдин банд қилинган иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун, 2016 йилнинг 10 апрелидан кечикмай иш жойларининг қолган қисми 75 фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир тоифа бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар кесимидаги маълумотларни ва қарор бўйича чиқарилган буйруқ нусхаларини туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига тақдим этилсин.

Иловадаги шахслар учун иш ўринлари санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шароитларига мувофиқлаштирилиши таъминлансин.

4. Ушбу қарор ижроси бажарилмаган тақдирда ташкилотнинг мансабдор шахсларига "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги Низом"нинг 15-бандига мувофиқ жарима солинади.

5. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини иловада белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ташкилотлар ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларининг бир қисмини туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

6. Бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази (М.Шерматов):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатилсин.

7. Миробод туман ҳокимининг 2015 йил 10 ноябрдаги "Миробод туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2015 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида"ги 536-сонли қарори 2015 йил 31 декабрдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ушбу қарор 2016 йил 1 январдан кучга киради.

9. Миробод туман ҳокимлиги Умумий бўлими (Ж.Кашибханова) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Компьютерлаштириш маркази" ДУКнинг Миробод туман тармоқ администратори (Р.Хасянов):

Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.mirobod.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Миробод туман ҳокимининг ўринбосари О.Абдурахмонов зиммасига юклансин.

Миробод тумани ҳокими
Ш.Кадиров

2015 йил 5 декабрь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

Қонун ва ижро

ҲАМ ЭҲТИЁЖ, ҲАМ ЗАРУРАТ

Мамлакатимизда барча соҳалар қаторида соғлиқни сақлаш тизимида ҳам кенг кўламли саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Бу тиббий хизмат сифатини янада кўтариш, аҳоли, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни сифатли, кафолатланган дори воситалари билан таъминлаш, умуман айтганда, фармацевтика фаолиятини тубдан такомиллаштириш каби қатор вазифаларни ҳал этишда муҳим омил бўлаётир.

Яқинда Президентимиз томонидан имзоланиб, матбуотда эълон қилинган янги таҳрирдаги "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни дори воситалари ва фармацевтика фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш билан бир қаторда, бу борадаги ишларни юқори босқичга кўтаришга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.

Фармацевтика саноатини ривожлантириш, маҳаллий, табиий доривор ўсимликларни кўпайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш, янги дори воситаларини ишлаб чиқаришнинг самарадор технологияларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилинаётгани диққатга сазовордир.

Шуни таъкидлаш ўринлики, сўнгги йилларда фармацевтика саноатида ҳам ижобий натижаларга эришилди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида юртимизда 2 та фармацевтика корхонаси фаолият кўрсатиб, 30 га яқин турдаги дори воситасини ишлаб чиқарган бўлса, бугунги кунда 117 та фармацевтика корхонаси фаолият кўрсатмоқда ва улар томонидан 1655 турдаги дори воситаси, 175 турдаги тиббий буюм ва 44 турдаги тиббий техникалар ишлаб чиқарилмоқда.

Шуниси қувонарлики, 30 та маҳаллий фармацевтика корхонаси ўз фаолиятларига халқаро сифат стандартлари ISO 9001 ва 6 та Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тавсия этилган "Яхши ишлаб чиқариш амалиёти" стандартларига (GMP) сазовор бўлган.

Қайд этиш жоизки, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида 20 та маҳаллий фармацевтика корхонаси томонидан дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатига фармацевтика ва тиббий маҳсулотлар экспорт қилинмоқда.

Бугунги кунда 7982 номдаги дори воситаси, 968 номдаги тиббий буюм ва 1170 номдаги тиббий техника рўйхатдан ўтказилиб, Ўзбекистон Республикасида тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилган ва Дори воситалари ва тиббий буюмлар Давлат реестрига киритилган.

Шундан келиб чиққан ҳолда айтиб ўтиш жоизки, жаҳонда ва юртимизда фармацевтика соҳасининг жадаллик билан ривожланиши амалдаги Қонуннинг бир қатор нормалари бугунги кун талабига жавоб бермаслигини кўрсатди.

Хусусан, давр эҳтиёжи ва заруратидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис қонунчилик палатаси томонидан 2015 йил 2 октябрда ва Сенат томонидан 2015 йилнинг 4 декабрь куни янги таҳрирдаги "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Қонун маъқулланиб, 2016 йил 5 январь куни ушбу қонун кучга кирди.

Янги таҳрирдаги "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Қонунда ана шу жиҳатлар ўз ифодасини топди. Унинг аҳамиятига тўхталадиган бўлсак, Қонундаги нормалар давр талабига, қўлланилаётган амалиётга мос тарзда сезиларли даражада янгиланган ва умумэътироф этилган халқаро талабларга мос қўшимчалар билан тўлдирилганини айтиш жоиз.

Қонуннинг асосий мақсади дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникага бўлган техник талабларни тартибга солишни халқаро амалиёт билан уйғунлаштириш, етакчи хорижий давлатлар тажрибасини, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойилларини инобатга олган ҳолда, амалдаги нормативҳуқуқий базани такомиллаштириш, фармацевтика секторининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган маъмурий тўсиқларни бартараф этиш, соҳага оид тушунчаларнинг ҳар хил талқин этилишига йўл қўймаслик, дори воситалари ва фармацевтика фаолияти соҳасининг давлат томонидан тартибга солинишини белгилашдан иборат.

Қонунда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг дори воситалари ва фармацевтика фаолияти соҳасидаги ваколатларига алоҳида аҳамият берилган. Хусусан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари дори воситалари ва фармацевтика фаолияти соҳасидаги ҳудудий дастурларни тасдиқлаши ва амалга ошириши ҳамда тегишли ҳудудлардаги давлат даволаш-профилактика муассасалари ва аҳолини дори воситалари, тиббий буюмлар билан таъминлашда иштирок этиши белгиланган.

Эски таҳрирдаги Қонунда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, реализация қилиш, шунингдек, экспорт ва импорт қилишга оид нормалар фақатгина дори воситаларига тегишли бўлиб қолган эди. Бугунги кунда мамлакатимизда тиббий буюмлар ишлаб чиқарувчилар сони 40 тадан ошиб, улар томонидан 175 дан зиёд турдаги тиббий буюмлар ишлаб чиқарилаётганлиги ҳамда халқаро тажриба ва амалиётни ҳисобга олган ҳолда, ушбу нормалар тиббий буюмларга ҳам тегишли бўлганлиги учун янги таҳрирдаги Қонунда "тиббий буюмлар" ибораси ҳам ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон 2006 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг "Дори воситаларини ножўя реакцияларини мониторинги халқаро дастури"га ҳақиқий аъзо бўлиб қабул қилинган эди. Бироқ, олдинги Қонунда дориларнинг ножўя реакцияси, уларни аниқлаш, ўрганиш ва тегишли чора-тадбирларни кўриш билан боғлиқ нормалар мавжуд эмас эди. Шу муносабат билан янги Қонунда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ваколатига дори воситаларининг ножўя реакцияларини аниқлаш, баҳолаш ва олдини олиш билан боғлиқ илмий тадқиқотлар ва фаолиятни, яъни фармакологик назоратни амалга ошириш вазифаси ҳам юкланди. Бу эса, соғлиқни сақлаш тизимидаги, шунингдек барча шу соҳага алоқадор бўлган юридик шахслар билан мазкур масалада тегишли тартибда иш олиб бориш, ножўя реакцияларни ўз вақтида аниқлаш ва инсон саломатлигини сақлаш йўлида тегишли қарорларни қабул қилиш учун қатъий юридик асос бўлади.

Аҳолини сифатли дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлашда дорихоналарнинг алоҳида ўрни бор. Қолаверса, касалликларнинг олдини олиш ва даволашда дори воситаларини самарали ва тўғри қўллашнинг аҳамияти катта.

Янги таҳрирдаги Қонунда дори воситаларини ва тиббий буюмларни тайёрлаш, шунингдек, уларни сақлаш, сифатини назорат қилиш ҳамда расмийлаштириш дорихоналар томонидан амалга оширилиши билан боғлиқ нормалар ўз ифодасини топди. Сифатсиз, қалбакилаштирилган дори воситалари ва тиббий буюмлар, шунингдек, муомаладаги дори воситалари ва тиббий буюмларнинг инсон соғлиғига зарарли таъсирини тасдиқловчи фактлар аниқланган тақдирда, тегишли тартибда муомаладан чиқарилиши белгиланган дори воситаларининг сифатига янада жиддий, масъулият билан эътибор қаратишни талаб этади.

Шунингдек, мазкур Қонунда асосий дори воситалари рўйхати Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан икки йилда камида бир марта ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши акс эттирилди. Бу эндиликда бюджет маблағлари рационал ишлатилиши, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламининг дори таъминотини ва шошилинч тез ёрдам кўрсатилишини яхшилашга, маҳаллий фармацевтика саноатининг ривожланишига ҳисса қўшади. Зеро, аҳолини хавфсиз, сифатли ва самарадор дори воситалари, тиббий буюмлар билан таъминлаш мақсадида ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, хусусий фармацевтика корхоналари фаолиятини самарали йўлга қўйиш учун мавжуд тўсиқларни бартараф этиш, уларга кенг ва тенг шароит яратиш каби масалалар давлатимиз томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири.

Биламизки, инсон саломатлиги — энг бебаҳо бойлик. Шу боис Қонун фуқаролар сиҳат-саломатлигини асраш, уларни сифатли дори воситалари билан таъминлаш, дори воситаларининг ножўя таъсирини олдини олиш билан боғлиқ қатор янги нормалар билан тўлдирилди.

Бахтиёр ПАЙЗИЕВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси
бўлим бошлиғи

Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллиги олдидан

Алишер Навоийнинг серқирра ижоди инсониятни эзгуликка, ҳамжиҳатликка, илм-маърифатга чорлаб, халқимиз учун чексиз фахр-ифтихор тимсоли бўлиб келмоқда.

ҒАЗАЛ МУЛКИНИНГ СУЛТОНИГА ЭҲТИРОМ

Президентимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида таъкидлаганидек, "Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир".

Тошкент давлат шарқшунослик институти профессори, Ўзбекистон Қаҳрамони Суйима ҒАНИЕВА мамлакатимизда улуғ шоирга кўрсатилаётган эҳтиром, беназир асарларининг навқирон авлод тафаккурини бойитишдаги ўрни хусусида ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Буюк зотнинг ибратли ҳаёти, серқирра ижоди, илм-фан ривожи йўлидаги оламшумул ишлари бугун ҳам жаҳон аҳлини ҳайратга солмоқда. Унинг асарларида тараннум этилган инсон руҳиятининг гўзал бадиий ифодаси, маънавий камолот, тинчлик ва фаровонлик, миллатлараро тотувлик, бағрикенглик, яратувчанлик, юрт ободлиги каби эзгу ғоялар мамлакатимизда барча соҳада эришилаётган ютуқларда намоён бўлмоқда.

Алишер Навоийга кўрсатилаётган эҳтиром ва эъзоз ҳар биримизнинг қалбимизни фахр-ифтихорга тўлдиради. Шоир асарларининг қуёшга, уммонга, туганмас хазинага менгзалиши бежиз эмас. Зеро, унинг ижодида инсониятга муҳаббат, яхшилик, тўғрилик, поклик, илму ҳунар, гўзаллик, ота-онага меҳр, устозга эҳтиром, дўстликни қадрлаш каби олижаноб тушунчалар мукаммал талқин этилган. Шоир асарларидаги илғор ғоялар абадул-абад сўнмас хазина бўлиб қолаверади.

Навоий айтади: "Ёшлик – ҳаёт гулшанининг баҳори, мана шу пайтдан ҳаётнинг асосини яратишинг керак". Бу фикрнинг замирида катта маъно бор. Инсон умрининг баҳори бўлмиш ёшликни ниҳоятда катта маҳорат билан таърифлайди. Навоий достонларидаги Фарҳод ва Искандарнинг ёшлигини кўз олдингизга келтиринг, қандай чиройли таърифлар битилган.

Камол эт касбим, олам уйидин,
Санга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотамом ўтмак биайниҳ,
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.

Ушбу қитъада дунёга келган ҳар бир инсоннинг камолотга эришиши унинг эзгу орзуси бўлиши кераклиги таъкидланган. Шоир бу ёруғ оламга келиб, мақсадсиз яшаган, инсонийлик хислатларидан узоқда бўлган инсон оламни ғамгин, қайғули тарк этишини уқтирган.

Мутафаккир ўз асарларида ёшларнинг тарихни билиши, кимларнинг авлоди эканини теран англаши, она юртга садоқатли бўлиши ҳамда танлаган соҳасида фидойилик, жасорат кўрсатишини алоҳида таъкидлайди...

1956 йили "Алишер Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис" тазкираси" мавзуида ёқлаган номзодлик диссертациям мени бир умр Навоий ижоди билан боғлади. Шоир нафосати, беназир асарлари таҳлилига бағишланган қатор тадқиқотларим дунё юзини кўрди.

Бадиий адабиёт равнақида улуғ шоир, мутафаккир Алишер Навоийнинг ҳиссаси ғоят улкан. У бутун ҳаёти давомида инсоннинг бахту саодати учун курашган, халқнинг осойишталиги, илм-фан, санъат ва адабиёт тараққиёти йўлида фидойилик кўрсатган. "Хамса", "Хазойин ул-маоний", "Маҳбуб ул-қулуб", "Лисон ут-тайр" асарларида шоирнинг маърифатпарварлик ғоялари, қарашлари мужассам. Айниқса, "Маҳбуб ул-қулуб"ни ҳазратнинг ғоят мазмунли ва сермашаққат ҳаёти давомида тўплаган бой тажрибаси, хулосаларининг йиғиндиси дейиш мумкин.

Навоий шахсияти ва ижодини ҳар томонлама ўрганиш у яшаган даврдан бошланган бўлса, навоийшунослик адабиётшуносликнинг алоҳида тармоғи сифатида ўтган асрдан бошланди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Навоий абадияти, унинг бебаҳо мероси халқимизга тўла қайтарилди. Юртбошимиз истиқлолнинг дастлабки кунларидаёқ, Навоийни чуқурроқ ўрганайлик, унинг асарларини ёшларга етказайлик, деб таъкидлагани бежиз эмас. Бу эзгу ният замирида улуғ бобокалонимиз асарларини ўрганиш улкан ижтимоий вазифа, умуммиллий бурч экани мужассамдир.

Истиқлол йилларида Навоий асарлари кўпжилдлиги икки марта нашр этилди. "Хамса" достонлари насрий баёни билан бирга ўқувчилар қўлига етказилди. "Хазойин ул-маоний" луғат ва изоҳлар билан қайта нашр этилди. Навоийшуносларимиз томонидан қатор тадқиқотлар амалга оширилди.

Ҳар бир йигит-қиз улуғ аждодимиз ижодини ўрганиши лозим.

Президентимиз таъкидлаганидек, "Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади. Она тилига муҳаббат, унинг беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онгу шууримиз, юрагимизга аввало Навоий асарлари билан кириб келади. Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп бахраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз".

Навоий хушфеъллик, камтарлик, ширинсўзлик, айниқса, ота-онага, ёши улуғларга ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлишни комиллик сифати, деб билади. Инсон учун икки жаҳоннинг обод бўлиши ота-онасининг рози-ризолигига боғлиқ, бунинг учун ота олдида бошни фидо, она бошига жисмни садақа айласа арзийди, деб ҳисоблайди.

Ҳозирги глобаллашув даврида Алишер Навоийнинг инсонпарварлик, баркамоллик, одобахлоқ, беғубор ва покиза туйғулар улуғланган асарлари ҳар қачонгидан долзарб аҳамиятга эга. Шоир асарларида улуғланган оналар соғлиғини асраш, болалар баркамоллигини таъминлаш, юрт равнақи, осуда ва фаровон ҳаёт, жамиятдаги барқарорлик, ўзаро тотувлик ва аҳиллик, меҳр-оқибат, оила, оналик ва болаликни қадрлаш каби эзгу ғоялар мамлакатимизда қабул қилинган Давлат дастурларига тўла ҳамоҳангдир.

Истиқлол туфайли Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган маданий-маърифий тадбирлар, илмий-амалий анжуманлар, давра суҳбатлари ўтказиш анъанага айланди. Бу тадбирлар халқимизнинг ғазал мулкининг султонига эҳтиром ифодасидир.

Шу кунларда буюк мутафаккир таваллудининг 575 йиллигига пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Бу жараёнда бир қатор илмий-маърифий тадбирлар ўтказилади.

Буюк бобомизнинг таваллуд кунини кенг нишонлаш биз учун чексиз ифтихор, улкан маънавий булоқдан яна бир карра қониб сув ичиш демакдир.

Азима ҚИЁСОВА
ёзиб олди

Юксак маънавият — енгилмас куч

МОҲИЯТНИ БИЛГАН АДАШМАЙДИ

Ҳеч эътибор берганмисиз, ўргимчак тўри қуёш нурида хилма-хил рангларда товланиб, жозибадор кўринади. Беихтиёр унга маҳлиё бўласиз. Қуёш нуридан ҳоли жойда эса...

Ўқитувчи Ж.Жалилова Акмалнинг кимё фанидан тайёрлаб келган рефератини ўқиб, капалаги учди. Сергак тортиб уни дарҳол директорга кўрсатди. Ҳали бунақаси бўлмаган. Ҳамма ҳайрон. Рефератда ҳатто тажрибали кимёчилар ҳам билмайдиган реакциялар ёзилган эди. Наҳотки, эсли-ҳушли, турли танлов ва фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этиб келаётган, намунали ҳулқи билан тенгқурларига ўрнак бўлган Акмал... Айтишга тил бормайди...

Коллеж раҳбарияти бунга ойдинлик киритиш учун малакали психологлар, маҳалла оқсоқоллари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари иштирокида аввал Акмал, кейин унинг ота-онаси билан алоҳида-алоҳида суҳбат ўтказди.

"Мавзуни қўшимча маълумотлар билан бойитиш учун чет эл сайтларидан фойдаланувдим, деди Акмал. Компьютеримга ўрнатилган таржима дастури ёрдамида матнни ўзбекчага ўгириб, чоп этдим. Вақт тиғизлиги, қолган фанлар бўйича ҳам мустақил иш ва рефератлар топшириш кераклиги учун устидан ўқимадим".

Ўтказилган ҳар томонлама текширув натижалари Акмалнинг бу жавобини тасдиқлади. Хавотирга ўрин қолмади.

Чиндан ҳам "ахборот асри" деб аталаётган ҳозирги замонда интернет маълумот олиш, ахборот алмашиш ва тарқатишнинг қулай воситасига айланди. Улар ҳаво тўлқинлари орқали ҳатто энг чекка ҳудудларга қадар етиб бормоқда. Бироқ айрим сайтларда оқ билан қора, эзгулик билан ёвузлик, хуллас, ҳамма нарса қоришиб кетган. Маълумот узатиш, бизнес ва реклама учун катта майдонга айланган глобал тармоқни назоратга олишнинг имкони йўқ. Шу боис турли экстремистик оқимлар ўзининг ақидапарастлик ғояларини тарқатишда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланмоқда.

Интернетда терроризм ва бошқа бузғунчиликларни тарғиб қилувчи веб-сайтлар, "ари уяси" каби энг гавжум электрон манзилга айланган ижтимоий тармоқлардаги гуруҳлар сони тобора кўпаймоқда. Бу ҳолат ҳали дунёқараши шаклланмаган айрим ғўр ёшларнинг соғлом эътиқодини, онгу шуурини заҳарламоқда.

Психологларнинг фикрича, ўғил-қизларда хабар ва маълумотларни таҳлил эта олиш малакасини ҳосил қилиш зарур. Бунинг учун ёшларда интернетдаги маълумотлар тўғри ёки нотўғри эканини ажрата билиш маданиятини шакллантириш, уларга қандай маълумотни олиш кераг-у, қайсиларини қабул қилмаслик лозимлигини тушунтириш, фотосуратлар, видеолавҳаларни кўриш, томоша қилиш юзасидан зарур тавсиялар бериш, интернетга қизиқишини мунтазам ўрганиш ва бу борадаги керакли маълумотларни бериб бориш, навқирон авлодни миллий маънавиятимизга, одоб-ахлоқ меъёрларига салбий таъсир этувчи маълумотлардан ҳимоя қилиш, интернет хуружларига қарши доимий тарғибот ишларини олиб бориш керак.

Турли иллатларни тарғиб қилувчи сайтлар кенгайиб бораётган бугунги таҳликали замонда ёшларимизга фақат "uz" доменидаги порталлардан маълумот излаш тавсия этилади. Агар бошқа домендаги веб-сайтлардан фойдаланишга эҳтиёж сезилса, мамлакатимизнинг миллий манфаатлари ва менталитетига зид ахборотлардан сақланиб, ҳушёрлик ва эҳтиёткорлик билан иш кўриш даркор.

Президентимиз раҳнамолигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг ва самарали фойдаланиш орқали маънан баркамол, мустақил ва эркин фикрлайдиган ёшларни тарбиялаш ҳамда уларни турли мафкуравий таҳдидлардан асраш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Алоқа ва ахборотлашториш соҳаси замонавий технологиялар асосида жадал ривожланмоқда. Интернет, мобиль алоқа ва бошқа кўплаб маҳсулотлар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бораётир.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 15 миллионга яқини интернетдан фойдаланмоқда. Мазкур жараён, бир томондан, мамлакатимизнинг замон билан ҳамнафас ривожланаётганини англатса, иккинчи томондан, аҳолининг интернетдан фойдаланиш маданияти ва кўникмасини юксалтиришни тақозо этади.

Аксарият ёшлар интернет ёки турли ижтимоий тармоқларда ўзининг шахсий саҳифасига эга бўлишни истайди. Лекин улар орасида интернетдан фойдаланишни билмайдиганлари ҳам учрайди. Қолаверса, кўпчилик ўзи учун зарур маълумотларни кутубхонадан эмас, муайян веб-сайтлардан изламоқда. Интернетга бирламчи манба сифатида қарамоқда.

Мамлакатимизда шу жиҳатлар инобатга олиниб, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига қизиқувчи иқтидорли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш, миллий интернет сегментини ривожлантириш, ёшлар учун маҳаллий сайт ва ижтимоий тармоқлар яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг самарасида ўтган йиллар давомида "uz" доменида фаолият юритаётган ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, кўнгилочар сайтлар ҳамда ижтимоий тармоқларнинг умумий сони 25 минг 200 дан ошди. Биргина ZiyoNet жамоат ахборот таълим тармоғига 2015 йилнинг ўзида 109 мингдан ортиқ янги маълумотлар киритилди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигидан маълум қилишларича, ёшлар қалбида миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини юксалтириш, уларда турли ғоявий ва ахборот хуружларига қарши маънавий иммунитетни мустаҳкамлаш, фуқароларни ҳушёрлик ва огоҳликка даъват этиш ишларини янада кучайтириш мақсадида Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Республика Маънавият тарғибот маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда "e-yoshlar.uz" интернет танловини ўтказиш кўзда тутилган.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни оммалаштириш, бадиий ва амалий санъатнинг турли йўналишлари бўйича яратилган асарлар, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси сингари ўнлаб йўналиш бўйича "Мен нечун севаман Ўзбекистонни?", "Мумтоз санъат дурдоналари", "Соғлом она – соғлом бола" каби номинацияларда ўтказилажак "e-yoshlar.uz" интернет танловида барча қизиқувчилар иштирок этиш ва овоз бериш ҳуқуқига эга.

Жорий йилнинг февраль ойидан бошлаб мунтазам ўтказиб борилиши режалаштирилаётган мазкур танлов учун Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази қошида ҳар томонлама ҳимояланган, замонавий ахборот технологиялари талабларига жавоб берадиган www.e-yoshlar.uz сайти иш бошлайди.

...Қуёш нуридан ҳоли жойда ўргимчак тўрининг жозибадорлигидан асар ҳам қолмайди. Шу боис мамлакатлар барқарорлигига таҳдид соладиган, хунрезлик, ақидапарастлик, беҳаёликни тарғиб қиладиган сайт ва гуруҳларни зулматдаги "ўргимчак тўри"га қиёслаш мумкин. Бу яширин "тўр"га боғланиб қолмаслик учун ҳар бир фойдаланувчи ўз мустақил фикрига суяниши, аввало, ота-онасига, қўшни кўрган юртдошларига, Ватанига ишониши зарур. Она ва Ватан фарзандларига фақат яхшиликни раво кўради...

Бекзод ХИДОЯТОВ,
ЎзА шарҳловчиси

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон тарихи Давлат музейида "Соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда оиланинг ўрни" мавзусида амалий семинар ўтказилди.

"ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА"

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримовнинг Конституциямиз қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан келиб чиқиб, аёллар, оналар ва болалар ижтимоий ҳимоясига қаратилган вазифалар ижросида фаол иштирок этиш, партиянинг маҳаллий ва бошланғич ташкилотлари, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда оиланинг ўрни, хотин-қизларнинг ҳуқуқий билими ва тиббий маданиятини юксалтириш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш жараёнига янги ва самарали ёндашувларини жорий этиш масалалари муҳокама этилди.

Маълумки, мамлакатимизда аҳоли саломатлигини сақлаш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2015 йилда республикамиз шаҳар ва қишлоқларидаги 141 та тиббиёт муассасасини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун қарийб 500 миллиард сўм маблағ сарфланган. Айниқса, марказдан узоқ чекка ҳудудлар аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишнинг сифат ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада, ўтган йили қишлоқ врачлик пунктларини оптималлаштириш ва замонавий диагноз ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш ишлари ниҳоясига етказилди. Бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистонда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришилди.

Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам ва хизматларнинг мақбуллиги, юқори сифатини таъминлаш партия Сайловолди дастурининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Семинарда партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан олиб бораётган ишлар, айниқса, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш, никоҳланувчиларни тиббий кўрикдан ўтказишнинг ижобий жиҳатларини кенгроқ тарғиб қилиш ҳамда ушбу масалаларни тартибга солувчи қонунлар ва қонуности ҳужжатлари мазмун-моҳияти билан аҳолини яқиндан таништириш бўйича эътибор қаратиш лозим бўлган вазифалар атрофлича муҳокама этилди.

Тадбирда оналар ва болалар, ёш оилалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида давлат томонидан белгиланган имтиёзлардан тўлақонли фойдаланиш тартиблари ҳамда хотин-қизларнинг ҳуқуқий, тиббий маданиятини ошириш ҳар доим энг муҳим масалалардан бири эканлиги алоҳида таъкидланди. Шундан келиб чиққан ҳолда, жорий йилда партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунлар, Президент қарор ва фармонлари бажарилиши юзасидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ташкил этишлари лозимлиги алоҳида қайд этилди. Хусусан, аҳоли, хотин-қизлар, оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ўрганиш, бу борада юзага келган муаммо ва тўсиқларни ижобий ҳал этиш бўйича халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари, доимий комиссиялар ва сессиялар муҳокамасига масалалар киритишга доир тавсиялар ишлаб чиқилди.

"Соғлом она ва бола" йили муносабати билан туркум тадбирларни ташкил этиш ҳамда уларни юқори савияда ўтказиш юзасидан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш секторлари ва "Фаол аёллар" қаноти олдида турган вазифалар белгилаб олинди. Шундан келиб чиққан ҳолда, семинарда оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада мустаҳкамлаш, перинатал ва скрининг марказлар, патронаж хизматларнинг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳиятини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, ёш оналар ва болаларни парвариш қилиш даражаси ва сифатини ошириш, оилада соғлом маънавий муҳит яратиш, қиз болаларни жисмонан соғлом ва интеллектуал ривожланган этиб тарбиялаш, уларнинг академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим олиши, спорт билан мунтазам шуғулланишини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги юзасидан билдирилган таклифлар атрофлича муҳокама қилинди. Улар асосида амалиётга татбиқ қилиш бўйича қатор таклифлар шакллантирилди.

Баҳриддин ХУШБОҚОВ,
"Туркистон-пресс" мухбири

Маҳалла

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА МУҲИМ ЭЪТИБОР

Юнусобод туманидаги "Оқибат" номли маҳаллада оқсоқол ва маслаҳатчиларнинг якдиллик билан бамаслаҳат иш юритишлари боис қурилиш-тиклаш ишларини амалга ошириш ва ёрдамга муҳтожларнинг ижтимоий ҳимоясига муҳим эътибор қаратилмоқда.

Ўз номига монанд оқибатли ва аҳил, яхши кунларда ҳамда киши бошига иш тушганида ёрдамини аямайдиган инсонлар истиқомат қилувчи ушбу файзли гўшада ҳар бир байрамлар ва қутлуғ кунларда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган кишилар ва ногиронларнинг кўнгиллари албатта кўтарилади.

Айниқса, яқиндагина якунланган Кексаларни эъзозлаш йилида "Оқибат" маҳалласида самарали ишлар амалга оширилди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Саидкарим Абдувалиев, маслаҳатчилар ва фаоллардан Саъдулла Мақсудов, Маҳмуд Ходжаев, Эргаш Музаффаров, Рихсивой Раҳимов, Зафар Собировлар бош-қошлигида туман ҳокимлиги ёрдамида саховатли инсонлар мададида ҳашар йўли билан замонавий гузар бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳозирда гузар атрофида жойлашган 115-кўп қаватли уй ҳовлисидаги қаровсиз, ташландиқ ҳолдаги қурилма ва гараждлар бузиб ташланиб, ўрнида болалар учун спорт майдончасини қуриш ишларига тайёргарлик кетмоқда.

Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан маҳаллада истиқомат қилувчи 80 ёшдан ошган қариялардан В.Ҳайдарова, М.Машрапова, М.Камолова, А.Барганова, Х.Абдиева, З.Курамгина, И.Абдуллаева, О.Агзамова, М.Раҳимова ва бошқалар хонадонларига фаоллар ташриф буюришиб, совға-саломлар билан йўқлашди. Рамазон ҳайити муносабати билан маҳалланинг 13 нафар аҳлига озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Куни кеча "Экосан" халқаро жамоат фонди кўмаги билан маҳалладаги кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногирон инсонлардан тўққиз нафарига ногиронлик аравачаси, эшитиш аппарати ва гигиена воситалари топширилди.

— Маҳалламиз ва жамоат ташкилотларининг саховати билан менга жуда зарур бўлган ногиронлик аравачаси топширилганидан беҳад хурсанд бўлдим, — дейди ўз вақтида маҳалла котиби сифатида узоқ йиллар самарали фаолият кўрсатган, ҳозирда 1 гуруҳ ногирони Абилхолис Собирхўжаев. — Мана шундай олижаноб, бағрикенг инсонлар бор экан мустақил юртимиз осмонида доимо тинчлик кабутарлари парвоз қилаверади, халқимиз дастурхонидан барака аримайди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Учтепа туман Кенгаши қошидаги "Ёшлар ижтимоий хизматлари" томонидан 2016 – Соғлом она ва бола йили муносабати билан бир қатор тарғибот тадбирлари ташкил этиб келинмоқда.

БАРКАМОЛЛИК САРИ ҚАДАМ

Ана шундай тадбирлардан бири тумандаги 203-умумтаълим мактабида "Эрта турмушга чиқишнинг салбий оқибатлари", "Ёшлар чекишга қарши", "ОИВ, ОИТС", "Кун тартиби ва гигиена", "Ёшлар экоҳаётни танлайди" мавзуларида ўтказилди.

Тадбирда мактабнинг маънавий ва маърифий ишлари бўйича директор ўринбосари Д.Тўлажонова сўзга чиқиб, мамлакатимизда мустақиллик йилларида она ва бола саломатлигига жиддий эътибор қаратилаётгани боис ижобий натижаларга эришилаётганини таъкидлаб ўтди. Қизларнинг эрта турмушга чиқишининг салбий оқибатлари, тамаки маҳсулотларининг инсон саломатлигига таъсири бўйича маълумотлар бериб ўтилди.

Қизғин тарзда кечган тадбир давомида "Экология ва саломатлик маркази" тўғараги раҳбари И.Исмановнинг "ОИВ, ОИТС", "Кун тартиби ва гигиена" мавзуларидаги маърузалари тингланди. Ўқувчи-ёшлар "Биз соғлом турмуш тарафдоримиз!", "Ёшлар экоҳаётни танлайди" мавзуларида фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишди.

— Юртимизда йигит-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзининг тарғиботи борасида ҳам ижобий ишлар амалга оширилмоқда, — дейди ЁИҲМ координатори Гулчеҳра Жумаева. — Мазкур тадбирни ўтказишдан асосий мақсад ўқувчилар орасида соғлом турмуш тарзи ва репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш борасидаги билимлари ва тиббий саводхонликни ошириш, тиббиёт соҳасидаги янги маълумотлардан бохабар этиш ҳамда улар ўртасида содир этилиши мумкин бўлган нохуш ҳолатларнинг олдини олишдир.

Тадбир давомида "Ёшлар ижтимоий хизматлари" марказига ёшларни жалб этиш мақсадида марказ фаолияти бўйича батафсил маълумотлар берилди. Бугунги кунда марказда "Инглиз тили", "Экология ва саломатлик маркази", "Миллий ҳунармандчилик", "Бичиш-тикиш ва тўқиш", "Ёш тадбиркорлик консультатив маркази" тўгараклари бепул ташкил этилган. Дарслар малакали мутахассислар иштирокида ўтказилади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки марказнинг иқтидорли ўқувчи-ёшлари ўз ташаббусларидан келиб чиқиб шаҳримизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар уюштирилади.

Тадбир сўнгида иштирокчилар томонидан берилган барча саволларга атрофлича жавоблар қайтарилди.

Зиёда РАСУЛОВА

ЗУМРАДОЙЛАР ДАВРАСИДА

Шайхонтоҳур тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасарруфидаги "Истиқбол фарзандлари" номли 84-сонли мактабгача таълим муассасасида "Зумрадойлар даврасида" мавзуида очиқ машғулот ўтказилди.

Унда мактабгача таълим муассасасининг II тайёрлов гуруҳи кичкинтойлари кийиниш одоби, касбга оид кийимларнинг турлари, ҳар бир бола боғчага келганда кийимларини тартиб билан ечиш, ортиқча кийим-кечакларини шкафларга жойлаб қўйиш зарурлигини шеърий услубда баён қилишди.

Айниқса Билмасвой образи орқали болажонлар либосларни тоза, озода сақлаш, ҳатто овқатланаётганда ҳам кийим-кечакларини доғ қилмай ораста тутиши зарурлигини ўрганиб олишди. Миллий ва замонавий либосларда чиққан кичкинтойларнинг юриш-туриши, ўзларини тутиши йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

— Бола азиз, одоби ундан азиз, дейишади халқимиз. Кийинишда ҳам одоб, интизом, тартиб бор. Бу қоидаларни кичиклигидаёқ болажонларга ўргатиш, уйларида ҳам ушбу амалларга риоя қилиши керaклигини уқтириш тадбиримизнинг асосий мақсадидир. Биз бугунги машғулотни ота-оналар, жажжи кичкинтойлар ва маҳалла ҳамкорлигида ташкил қилдик, — дейди гуруҳ тарбиячиси Нодира Ҳамидова.

Доимо озода юрган, тоза кийинган бола биламизки соғлом, руҳи тетик, кайфияти чоғ бўлади. Бундай кичкинтойларимизнинг эртанги куни ҳам нурли бўлиши, шубҳасиз.

(Ўз мухбиримиз)

Суратда тадбирдан лавҳа

Тадбирлар

БИТИРУВЧИ ТАЛАБАЛАРГА ИМКОНИЯТ

Тошкент молия институтида битирувчи талабалар, ўқитувчилар, корхона, ташкилотлар вакиллари иштирокида меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирда битирувчи талабаларга ўз мутахассисликлари бўйича корхона ва ташкилотлар фаолияти билан танишиш имконияти яратилди. Корхона, ташкилотлар вакиллари ҳамда битирувчи талабалар ўртасида бўлиб ўтган мулоқотларда ёшлар ўзлари учун маъқул бўлган корхона ва муассасаларда яратилган қулайликлар, шароитлар билан таништирилди.

Шунингдек, кўпгина битирувчи талабалар корхона ҳамда ташкилотлар билан меҳнат шартномаси имзолашга муваффақ бўлдилар.

Бу каби тадбирлар юртимизда ёш кадрларни иш билан таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ОБОД ЮРТНИНГ БАХТЛИ ФАРЗАНДЛАРИ

Юртимизда келажагимиз давомчилари бўлган ёшларнинг жисмонан соғлом бўлиб вояга етишлари учун барча имкониятлар яратилган. Бу борада, айниқса, Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан улкан ишлар амалга оширилаётгани эътиборлидир.

Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 110-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган тадбирда бу жиҳатлар яна бир бор эътироф этилди.

Унда сўзга чиққанлар мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, ўғил-қизларни спортнинг оммавий турларига жалб этиш мақсадида муайян чора-тадбирлар кўрилаётганини алоҳида қайд этишди.

Тадбирда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман бўлими томонидан мактабда таълим олаётган спортсевар ўқувчи-қизларга, шунингдек, кам таъминланган оилалар фарзандларига Президентимиз совғаси — бежирим спорт кийимлари топширилди.

"Туркистон-пресс"

Спорт янгиликлари

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР САФИ ОШМОҚДА

Юртимизда ёшларни спорт мусобақаларига оммавий равишда жалб қилиш ва улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга йўналтирилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Турли спорт мусобақаларида қатнашаётган ёшлар ютуқларни қўлга киритиб, халқаро миқёсда ҳам юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишмоқда.

Сергели туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабида туманда жойлашган 24 та умумий ўрта таълим мактаблари ўртасида "Камолот" шахмат тахтаси" IX анъанавий республика турнирининг ҳудудий 1-босқичи ўтказилди.

Турнирда шахмат спорт турига қизиқувчи ўқувчи-ёшлар иштирок этишди. 155 нафар ёшлар қатнашган турнирнинг финал босқичида қатнашиш ҳуқуқини 33 нафари қўлга киритди. Тенгдошлари ўртасида иқтидорини намоён этган ўқувчилар йўлланмаларга эга бўлишди.

— Бу каби тадбирларни ўтказишдан асосий мақсад мамлакатимизда шахмат спортини янада кенг тарғиб этиш ва оммавийлаштиришдан иборатдир, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели туман Кенгаши раиси Санжар Саидов. — Ҳаваскорлар ва ёш шахматчиларнинг малакаларини ошириш, ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, қадимий ақл-идрок ўйини саналган шахмат санъатини маънавиятимизнинг бир бўлаги сифатида эъзозлаш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг тафаккур даражасини ўстириш муҳимлигини таъкидлаш жоиз.

Зарина РУСТАМОВА

Пойтахтимизда армрестлинг бўйича талабалар ўртасида махсус турнир ўтказилди.

АРМРЕСТЛИНГ БЎЙИЧА ТАЛАБАЛАР БЕЛЛАШДИ

Мусобақада 60, 70, 80 ва ундан юқори вазн тоифасидаги пойтахтимизнинг энг кучли юз нафар армрестлингчи талабалари куч синашди. Турнир кубок тизимида ташкил қилинган бўлиб, мағлуб бўлган спортчи беллашувларни тарк этишига тўғри келди.

Энг енгил вазнда Нодир Шомуродов биринчиликни ҳеч кимга бермаган бўлса, вазни оғир спортчилар орасида Шаҳзод Нафасовга тенг келадигани топилмади. Шунингдек, 70 килограммда Шерзод Салимов, 80 килограммгача бўлган полвонлар орасида Жалол Машарипов рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмади.

Мусобақа якунида ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олган талабалар муносиб тақдирланди.

Ботир ХЎЖАЕВ

Австралияда "Катта дубулға" туркумига кирувчи "Australian Open – 2016" турнирининг ўсмирлар ўртасидаги баҳсларида иштирок этаётган Жўрабек Каримов чорак финалга чиқди.

ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

Нуфузли мусобақанинг яккалик баҳсларида Ж.Каримов иккинчи даврада гонконглик Энтони Тангни 6:4, 6:4, учинчи даврада Жанубий Корея вакили Чан Охни 6:4, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратди. Чорак финалда у япониялик Ёсуке Ватануки билан куч синашади.

Халқаро теннис федерацияси (ITF) томонидан Қозоғистон ва Туркияда ташкил этилган турнирларнинг яккалик ва жуфтлик баҳсларида ҳам теннисчиларимиз муваффақиятли иштирок этмоқда.

Қозоғистонда ўтаётган мусобақанинг биринчи даврасида Санжар Файзиев россиялик Игорь Перуновни ҳар иккала сетда 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратди. Навбатдаги баҳсда у россиялик яна бир теннисчи Денис Мацукевичга қарши кортга чиқади.

Жуфтлик баҳсларида С.Файзиев қозоғистонлик шериги Тимур Хабибулин билан илк рақиблари сербиялик Иван Биелика ва хорватиялик Дуже Кекез устидан ғалаба қозонди. Энди улар чорак финалда германиялик Пирмин Хаенле ва хорватиялик Нино Сердарусич билан баҳслашади.

Туркияда хотин-қизлар ўртасида ўтаётган халқаро турнирнинг жуфтлик баҳсларида Влада Екшибарова туркиялик Басак Эрайдин билан дастлабки даврада мезбон теннисчилар Кемре Анил ва Дениз Пайкочни 6:1, 6:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. В.Екшибарова ҳамда Б.Эрайдин мусобақанинг чорак финалида беларуслик Маргаукс Бовий ва АҚШ вакили Тереса Лондол жуфтлиги билан рақобатлашади.

Ж.ТОШХЎЖАЕВ

МАҲАЛЛАЛАРДА СПОРТ РИВОЖЛАНМОҚДА

Президентимиз раҳнамолигида болаларни спортга жалб этишга қаратилган эътибор самараларини барча маҳаллаларда кузатиш мумкин.

Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фондидан олинган маълумотларга кўра, бугун маҳаллаларда ташкил этилган тўгаракларга спортнинг 30 дан ортиқ тури бўйича 1 миллион 400 мингдан зиёд бола жалб этилган. Ўғил-қизлар ўртасида спортни янада оммалаштириш мақсадида турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда кўплаб мусобақалар, соғломлаштириш тадбирлари ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 декабрдаги қарори билан тасдиқланган "Болалар майдончаларини тиклаш ва ташкил этишнинг 2011-2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури"га асосан ўтган беш йил мобайнида юртимизда 1 минг 474 болалар майдончаси намунали лойиҳалар асосида қурилди. 2 минг 994 майдончада таъмирлаш, жиҳозлаш ишлари бажарилди. "Маҳалла" хайрия жамоат фонди маблағлари ҳисобига 281 намунали болалар майдончаси барпо этилиб, фуқаролар йиғинлари тасарруфига ўтказилди.

2015 йилда ўтказилган "Футболимиз келажаги" анъанавий республика турнирининг ҳудудий босқичлари болалар учун чинакам спорт ва саломатлик, дўстлик ва аҳиллик байрамига айланди. Турнирда жами 1 миллион 200 мингдан зиёд, хусусан, 65 мингга яқин кам таъминланган оила ўғил-қизлари, 745 нафар вояга етмаган, профилактик ҳисобда турган бола ва ўсмир иштирок этди. Мусобақаларнинг туман, шаҳар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичлари энг замонавий футбол майдонларида ўтказилди.

Бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказилаётган кураш бўйича "Маҳалламиз паҳлавонлари" мусобақаси ёшларда ҳалоллик, мардлик, ориятлик каби фазилатларни мустаҳкам қарор топтиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда. "Отам, онам ва мен – спортчи оила" спорт мусобақаси қувноқ, завқли ўтиши билан каттаю кичикнинг эътиборини қозонган. Оилалар бирдамлигини таъминлаш, ёшларнинг бўш вақтини самарали ташкил этишга хизмат қилаётган ушбу мусобақаларнинг маҳаллараро босқичлари юксак савияда ўтказилди.

Ёш шахматчиларнинг малакаларини ошириш ва ўқувчиларнинг ўқишдан бўш вақтларини самарали ташкил этиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг тафаккур даражасини ўстириш мақсадида оилалар ўртасида "Биз – ақл-идрокли оилаларимиз" республика турнири мусобақалари ўтказилди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ташкил этилаётган мусобақалар аҳоли томонидан кенг қўллаб-қувватланиб, уларда қатнашиш истагидаги ёшлар сафи тобора кенгаймоқда.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан ҳафтанинг ҳар шанба куни бошқарма биносида тадбиркорлик субъектларида мавжуд бўлган муаммо ва таклифларни ўрганиб бориш мақсадида "Очиқ эшиклар куни" ташкил этилган.

Тадбиркорларнинг малакали мутахассислар билан мулоқоти бошқарма биносида соат 10.00 дан 13.00 гача бўлиб ўтади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2А-уйнинг биринчи қавати. Бошқарма маъмурияти.

Кўргазмалар

ҚАЛБДАН ЯРАЛГАН АСАР

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида Ўзбекистон Бадиий Академияси рассомлар ижодий уюшмаси аъзоси Дилмурод Йўлдошевнинг "Дилбар ўлкам" номли шахсий кўргазмаси очилди.

Дилмурод Йўлдошев манзара жанрида изланувчи ижодкор рассом. У табиат манзараларидан илҳомланади. Мусаввир ўз маҳоратини асарларида ифодавий тарзда акс эттирган. Бу ҳолатга назар ташлар экансиз, унинг қалбдан яратган расмларида жонажон юртимизнинг турли гўшаларининг нафис жиҳатларини барча рангларда содда ва тушунарли қилиб тасвирланганига гувоҳ бўласиз.

Кўргазмада матода маҳорат билан ишланган пойтахтимизнинг кўзга кўринган манзараларини ҳам кузатасиз.

Экспозициядан "Сағбон кўчалари", "Тошкент кўчаси", "Шаҳримда ёмғирли кун" каби 40 га яқин ижодий асарлари жой олган.

– Бу ердаги расмларни диққат билан кузатсангиз, рассом бир мавзуда турли кўринишларда ижодий жараёнларни талқин этаётганлигини кузатасиз, – дейди санъатшунос Саодат Рўзиева. – Унинг ҳар бир асарлари, сержило ранглар уйғунлиги, фасллар жозибаси кўнглингиздан муносиб жой олади, десак адашмаймиз. Кўргазмани ўтказишдан асосий мақсад мусаввир ижоди ҳақида маълумот бериш, суратлардаги жаннатмакон шаҳримизнинг кўркини келган меҳмонларга яна бир бор таништиришдан иборат.

Кўргазма 15 февралга қадар давом этади.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА

"Баркамол авлод" республика болалар бадиий ижодиёт марказида "Ижодий парвоз" фестивали бўлиб ўтди. Унда пойтахтимиздаги махсус мактаб-интернатлар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг рангтасвир йўналишидаги билими ва иқтидори синовдан ўтказилди.

МУСАВВИРЛАР ФЕСТИВАЛИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлод маънавиятини юксалтириш, иқтидорини рағбатлантириш, айниқса, ижтимоий ҳимояга, алоҳида эътиборга муҳтож ўғил-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Бу ёш авлодга таълим-тарбия бериш, қулай турмуш шароити яратиш, саломатлигини тиклаш, баркамол бўлиб улғайиши учун яратилаётган шарт-шароитларда ўз ифодасини топмоқда.

Мазкур фестивалдан кўзланган мақсад ўқувчиларни табиат, атроф-муҳит, гўзалликнинг қадрига етишга ўргатиш, мусаввирлик санъатига бўлган қизиқишини ошириш, ташаббускор, иқтидорли ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини рўёбга чиқаришдан иборат.

– Бу каби лойиҳалар истеъдодли ёшларни рағбатлантиришда муҳим аҳамиятга эга, – дейди ЎзА мухбирига марказ директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Насиба Шомансурова. – Фестиваль тасвирий санъат ихлосмандларининг ижодини кенг оммага таништиришга хизмат қилди. Тадбир давомида ёшларнинг санъатга бўлган иштиёқи ортиб, янги истеъдодлар кашф этилди, уларга ижодини ривожлантириш учун тавсиялар берилди.

Фестиваль доирасида таниқли мусаввирлар билан ижодий учрашувлар ўтказилди. Ёш мусаввирларнинг расмлари мутахассислар томонидан баҳолаб борилди. Ғолиблар муносиб рағбатлантирилди.

Б.МЕЛИҚУЛОВА

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **2 февраль** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушади. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2 даража совуқ, кундузи — 7-9 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **2 февраль** ва **3 февраль** эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-4227

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 255

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13042 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 14.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ